

## XI. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2867,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 6261 кишига ёки 0,2% кўпайди. Шундан, 1414,3 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 49,3%) ва 1453,2 минг киши – қишлоқ жойларида (50,7 %) истиқомат қилади.

### Тошкент вилоятининг ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони (2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>2867,5</b>	<b>1414,3</b>	<b>1453,2</b>	<b>100,2</b>	<b>100,2</b>	<b>100,2</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Нурафшон	47,8	47,8	X	100,2	100,2	X
Олмалиқ	127,8	127,8	X	100,2	100,2	X
Ангрен	184,0	184,0	X	100,2	100,2	X
Бекобод	93,3	93,3	X	100,3	100,3	X
Чирчиқ	154,9	154,9	X	100,2	100,2	X
Оҳангарон	36,6	36,6	X	100,3	100,3	X
Янгийўл	59,4	59,4	X	100,2	100,2	X
<i>туманлар:</i>						
Оққўрғон	102,3	24,4	77,9	100,3	100,4	100,3
Оҳангарон	93,1	14,6	78,5	100,1	100,0	100,1
Бекобод	152,9	28,5	124,4	100,3	100,0	100,2
Бўстонлик	165,8	93,4	72,4	100,1	100,1	100,1
Бўка	122,0	23,0	99,0	100,3	100,0	100,4
Зангиота	193,2	79,6	113,6	100,1	100,3	100,0
Қибрай	195,7	86,3	109,4	100,3	100,1	100,6
Қуйичирчиқ	105,1	25,1	80,0	100,2	100,0	100,3
Паркент	149,8	72,4	77,4	100,3	100,1	100,5
Пискент	98,2	44,9	53,3	100,2	100,2	100,2
Ўртачирчиқ	144,8	15,9	128,9	100,3	100,6	100,2
Чиноз	130,0	63,2	66,8	100,3	100,3	100,3
Юқоричирчиқ	131,5	22,8	108,7	100,3	100,0	100,3
Янгийўл	203,8	31,4	172,4	100,2	100,0	100,2
Тошкент	175,5	85,0	90,5	100,1	100,0	100,1

## 2017-2018 йил январь-мартда аҳолининг табиий ҳаракати


	<i>киши</i>			<i>ҳар 1000 кишига</i>	
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.<sup>1)</sup></i>	<i>ўсиш, камайиш</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.<sup>1)</sup></i>
Туғилганлар	11691	11734	43	16,7	16,6
Ўлганлар	3888	4328	440	5,6	6,1
Табиий ўсиш	7803	7406	-397	11,1	10,5
Никоҳлар	3559	3888	329	5,1	5,5
Ажралишлар	890	949	59	1,3	1,3

2018 йилнинг январь-мартда туғилганлар сони 11734 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (11691 киши) нисбатан 43 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 16,6 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (16,7 промилле) нисбатан 0,1 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Оҳангарон туманида (18,8 дан 14,5 промиллега), Ангрен шаҳрида (17,6 дан 15,2 промиллега), Ўртачирчиқ (19,1 дан 17,1 промиллега), Бекобод (19,7 дан 17,8 промиллега), Бўстонлиқ (14,9 дан 13,7 промиллега) туманларида кузатилди.

### Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

*2018 йилнинг январь–март ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)*



<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**Ўлим даражаси.** 2018 йилнинг январь-мартда ўлганлар сони 16490 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (16281 киши) нисбатан 209 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 5,8 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-мартида – 5,8 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Чирчиқ шаҳрида (7,3 дан 7,7 промиллега), Пискент (4,9 дан 5,4 промиллега), Паркент (4,6 дан 5,0 промиллега), Юқоричирчиқ (6,0 дан 6,5 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 59,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,2 фоизи – ўсма касалликларидан, 8,9 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,3 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 2,9 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 8,9 фоизи – бошқа касаликлардан вафот этган.

### Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши (2018 йилнинг январь-март ҳолатига)



**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2018 йилнинг январь-мартда ФХДЁ органларида 3888 та никоҳлар ва 949 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,5 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 5,1 та) ва 1,3 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 1,3 та) тўғри келади.

**2018 йил январь–мартда тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони**

*(бирликда)*

	<i>Тузилган никоҳлар</i>		<i>Никоҳдан ажралишлар</i>	
	<i>2017й.</i>	<i>2018й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2018й.</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3559</b>	<b>3888</b>	<b>890</b>	<b>949</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Нурафшон	62	65	16	20
Олмалиқ	184	233	71	65
Ангрен	145	267	76	41
Бекобод	128	141	43	46
Чирчиқ	135	319	80	93
Оҳангарон	45	81	20	14
Янгийўл	81	137	27	22
<i>туманлар:</i>				
Оққўрғон	157	102	27	32
Оҳангарон	75	93	29	21
Бекобод	182	178	38	44
Бўстонлиқ	167	191	35	46
Бўка	168	151	27	33
Зангиота	156	214	37	71
Қибрай	187	290	69	67
Қуйичирчиқ	161	121	32	46
Паркент	357	175	38	34
Пискент	106	132	12	20
Ўртачирчиқ	214	203	43	49
Чиноз	163	147	27	38
Юқоричирчиқ	250	196	46	56
Янгийўл	277	248	48	47
Тошкент	159	204	49	44

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4548 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 5693 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1145 кишига (2017 йилнинг шу даврида - минус 1823 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Зангиота (минус 388), Тошкент (минус 365), Бўстонлик (минус 137) туманларида кузатилди.


### 2018 йил январь–мартда аҳолининг миграция кўрсаткичлари

(1000 аҳолига нисбатан, промилле)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>7,2</b>	<b>6,4</b>	<b>9,8</b>	<b>8,1</b>	<b>-2,6</b>	<b>-1,7</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Нурафшон	8,6	8,3	7,5	2,6	1,1	5,7
Олмалиқ	12,8	12,9	11,6	10,7	1,1	2,2
Ангрен	5,9	5,3	5,0	4,7	0,9	0,6
Бекобод	8,1	10,9	7,9	7,3	0,2	3,6
Чирчиқ	14,7	13,9	15,8	11,2	-1,1	2,7
Оҳангарон	8,2	5,7	10,3	6,7	-2,1	-1,0
Янгийўл	5,8	9,9	15,1	14,1	-9,3	-4,2
<i>туманлар:</i>						
Оққўрғон	3,4	1,9	8,5	6,0	-5,1	-4,1
Оҳангарон	6,3	3,6	10,4	7,8	-4,1	-4,2
Бекобод	4,1	3,7	8,3	6,8	-4,2	-3,1
Бўстонлик	4,3	4,8	9,9	8,2	-5,6	-3,4
Бўка	4,4	3,7	9,2	7,4	-4,8	-3,7
Зангиота	9,5	5,5	15,9	13,6	-6,4	-8,1
Қибрай	12,8	15,2	12,9	10,2	-0,1	5,0
Қуйичирчиқ	4,6	6,0	10,0	8,0	-5,4	-2,0
Паркент	1,7	1,8	4,1	4,3	-2,4	-2,5
Пискент	6,4	7,2	11,0	7,4	-4,7	-0,2
Ўртачирчиқ	11,0	7,9	9,6	8,0	1,4	-0,1
Чиноз	3,7	4,3	7,9	5,6	-4,2	-1,3
Юқоричирчиқ	10,1	7,6	11,5	8,9	-1,4	-1,3
Янгийўл	5,6	3,0	4,6	5,1	1,0	-2,1
Тошкент	3,7	1,0	9,5	9,5	-5,7	-8,5

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.** Тошкент вилояти бўйича 2018 йил январь-март ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1686,7 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 123,9%га ошганини кўриш мумкин. Худудлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Олмалиқ 2520,0 минг сўмни (вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 149,4 % ), Бекобод шаҳрида 2168,4 минг сўмни (128,6% ) ва Қибрай туманида 1741,8 минг сўмни (103,3%) ташкил этди. Аксинча, Оҳангарон туманида 1086,6 минг сўмни (64,4%) ва Бекобод туманида 1103,4 минг сўмни (65,4%) пастлигини кўриш мумкин.

**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи<sup>1</sup>**  
(2018 январь-март вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %да)



<sup>1</sup> кишлоқ хўжалиги корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
 (2018 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик  
 субъектларидан ташқари, минг сўм)

